


BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

8/2023

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



| MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS | | |
|---|--|-----|
| ANIQ VA TABIIY FANLAR *** EXACT AND NATURAL SCIENCES *** ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ | | |
| Sabirova R.A. | Xos to‘lqinning qovushoq-elastik silindrik qobiqda tarqalish xususiyatlari | 4 |
| Khalkhadzhaev B.B., Yusupov Sh.B., Mambetsapayev K.A. | On a weak generalized solution of a mixed-type fourth order equation of the second kind | 9 |
| Сафаров Ж.Ш. | Прямая и обратная задача для уравнения вязкоупругости с дополнительной информацией нестандартного вида | 15 |
| Жураев Ф.М. | О краевой задаче с условиями Геллерстедта на параллельных характеристиках для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа | 23 |
| Jo‘orakulov S.Z. | Properties of polymers | 32 |
| Хайруллаев Ч.К. | Жамият ҳаётида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ва уни ташкил қилишнинг асосий омиллари | 38 |
| TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ | | |
| Yuldasheva D.N. | Sukut – ichki va tashqi nutqning harakat birligi | 45 |
| Bobokalonov O.O. | Character of shifonemas in linguistics | 52 |
| Bozorova G.Z. | Tibbiy atamalarda pleonastik birliklarning voqelanishi | 59 |
| Намройева М.Р. | Tohir Malik badiiy asarlarida qo‘llanilgan antroponimlarning yasalish strukturasi | 63 |
| Kurbanova I.Sh. | Exploring the derivation of railway terminology: a linguistic analysis | 68 |
| Rabieva M.G’. | Translation as a type of intercultural communication | 73 |
| Radjabov N. N. | Ingliz va o‘zbek tillarida undoshlarning fonologik xususiyatlarida izomorfizm va allomorfizm | 77 |
| Rakhmatova M.M. | The role of figurative devices in expressing implicative meaning | 88 |
| Seytnazarova I.E. | Tilewbergan Jumamuratov asarlarida frazeologizmlarning uslubiy qo‘llanilishi | 92 |
| Велиева С.Р. | Русские идеологические топонимы в иноязычной среде (на материале регионов Республики Узбекистан) | 97 |
| Гаппарова М.Т. | Инглиз ва ўзбек тилларида луғат белгилари | 104 |
| Каримова Г.Х. | Эргонимы как объект лингвокультурологического исследования | 109 |
| Нарзуллаева Д.Б. | Теолингвистика ва теолингвистик бирликлар тадқиқи | 114 |
| Ширинова М.Ш. | Мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилида эғалик ва келишик воситаларининг қўлланиши | 121 |
| Ёкубова Ш.Ю., Юсупова А. Ш. | Глагол и простая структура предложения в узбекском языке | 125 |

контурларга эга бўлмаса ҳам, лекин аста-секин у кўпроқ ва кўпроқ тафсилотларни кўради ва контурлар кескинроқ бўлади".[10;202]

Хулоса. Умумистеъмолдаги теолингвистик лексемаларнинг тарқалиш ҳудуди, одамлар фаолияти томонидан қўлланилиши, лексик-семантик маъноларининг функционал доираси, коммуникатив нутқ жараёнида чегараланмаганлиги, лексика ва синтаксис оралиғида тил луғати ва синтактик бирлик сифатида намоён бўлиши, бундай лексемаларнинг ижтимоий белгилари ва умумий хусусиятлари ўрганиш [11;460] олимларни қизиқтириб келмоқда.

Шуларга ҳамоҳанг Қуръони Карим сураларидан мисоллар келтирамиз: Қуръони Карим суралари оятлардан иборатдир. Уларнинг ўзига яраша тартиби бор. Оят ва сураларнинг тартиби ҳақида батафсил сўз юритишдан аввал бу икки иборанинг луғатдаги маъноси ва таърифи билан яхшилаб танишиб олайлик. «Оят» сўзининг бир неча луғавий маъноси: «Мўъжиза» демакдир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади: «Бану Исроилдан уларга қанчадан-қанча очиқ-ойдин оят (мўъжиза)ларни берганимизни сўра» (211-оят). Аллоҳ таоло Ҳижр сурасида марҳамат қилади: «Албатта, бунда мўминлар учун оят (ибрат) бордир» (77-оят). Аллоҳ таоло Муъминун сурасида марҳамат қилади: «Ибн Марямни ва унинг онасини оят (ажойиб иш) қилдик» (50-оят). Аллоҳ таоло Рум сурасида марҳамат қилади: «Ва осмонлару ернинг яратилиши дамда тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлиши Унинг оят (бурҳон)ларидандир» (22-оят). [12;53-57]

Уламолар истилоҳида оят шундай таърифланади: «Оят Қуръон сурасига кирган, бошланиши ва тугаши белгили бўлган сўзлар мажмуасидир». Шу билан бирга, Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти юқоридаги луғавий маъноларни ўз ичига олган бўлади. Ҳа, Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти мўъжиза, ибрат, ажойиб иш, белги-аломат, бурҳон, далил, ҳарф ва сўзлар мажмуаси ҳамда Аллоҳ таолонинг қудрати далилидир. Қуръони Каримнинг ҳар бир ояти, унинг аввали ва охири ҳақидаги илми Аллоҳ таолодан Жаброил алайҳиссалом ўрганган. У кишидан Набий алайҳиссалом, у зотдан эса мусулмонлар ўрганганлар. Оятларни бир-биридан ажрата билиш, уларнинг бошланиш ва тугаш жойларини англаб етиш маъноларни яхши тушуниб етишда ва бошқа бир қанча ишларда ёрдам беради. Қуръони Каримда «оят» сўзи кўп марта такрорланган. «Оят» сўзи баъзи бир жойларда юқорида зикр қилинган маъноларнинг ҳаммасини, иккинчи бир жойда икки-учтасини, учинчи жойда эса фақат биттасини ифода этиб келган. Ушбу нозик фарқ англаб етилгандагина маъно тўғри тушунилади.

«Сура» сўзининг маънолари: «Сура» сўзи луғатда «қўрғон», «манзил» ва «шараф» деган маъноларни англатади. Уламоларимиз истилоҳида эса «Сура Қуръон оятларининг бошланиши ва тугаши белгиланган мустақил мажмуасидир». Бошқача қилиб айтсак, Қуръон оятларининг қўрғон билан ўралгандек бир тўплами «сура» дейилади. Қуръони Каримдаги энг қисқа сура Кавсар сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура эса Бақара сураси бўлиб, 286 оятдан иборат. Қуръонда 114 та сура бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг номи суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган. Оят ва сураларнинг ҳам ўзига хос тартиби мавжуд ва улар тавсирланган. Қуръони Каримнинг сура ва оятларга бўлиниши уни ёдлашни осонлаштиради. Шунингдек, ўқувчига ўз дини ва шариятининг маълум бир қисмини ўрганиб бўлганини ҳис қилдиради.

Қуръони Каримнинг “Фурқон” сурасининг 20-охирги оятида “(Эй Муҳаммад). **Биз сиздан илгари юборган барча пайгамбарлар ҳам, шак-шубҳасиз, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Биз сизларнинг баъзиларингиз учун фитна – синов қилиб қўйдик** (яъни сизнинг оддий одамлар каби фақирона кун кечиришингиз бошқалар учун бир синовдир. Чунки агар Биз сизни бой-бадавлат қилиб қўйганимизда, улар сизга шу мол-дунёнгиз учун итоат қилган бўлур эдилар). Сизлар (Бизнинг бу синовимизга) **сабр қила олурмисизлар? Парвардигорингиз қўриб тургувчи бўлган зотдир**”, деган тавсир учрайди. Ҳадиси шарифда: “**Кимики шошилмай, сабр, қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри бўлади**”, дейилган. Кўриниб турибдики, сабр толерантликнинг ярусдан ташқари коллериатив семаси бўлиб, семантик майдонда эркин семемалар занжирида мучалланган.[13;332-338]

Дуо сўзлар ва конструктив ҳосилалар қиёсий тилшуносликда алоҳида тадқиқ қилинмаган. Кўплаб манбаларда, диний матнлар таркибида, халқ оғзаки ижоди ва эртақларда дуо сўзлар учрайди. Ўзбек миллий руҳиятида дуо сўзлар муҳим аҳамиятга – эга. Қиёсий аспектда дуо сўзларни қўллашда тафовутлар – мавжуд. Бу ҳолат халқларнинг қайси динга мансублиги билан – боғлиқ. Жумладан, *Омийн* (вариантлари: *Амийн. Амин. Омин*) сўз-гапининг ишлатилиши, француз ва ўзбек тилида – ўхшаш, аммо ундаги қўл ҳаракатлари ифодаси бошқа дин вакилларида турличадир. [14;29] Масалан, мусулмонлар *Омийн!* деб дуо қилиш учун икки қўлни бир-бирига бирлаштирган ҳолда дуодан кейин қўл кафтларини юзга тортадилар. Французлар христанлар тамойилига асосан ўнг қўл бармоқларини

бирлаштириб, ҳож шаклида ҳаракатлантирадилар. Ҳиндлар қўл кафтларини бирлаштириб, пешонага мингизади. Билинадики, халқларда тана тили ифодалари, расм-русумлар, миллий-маданий кадрятлар, дин ва эътиқодлар фаркли бўлиб, дуо шакл-мазмуни турличадир. Ўзбегимда:

1. **Калом сўзлар:** *Астағфируллоҳ / Субҳааналлоҳ / Алҳамдулиллаҳ / Лаа илаҳа иллаллоҳ / Аллоҳу Акбар / СубҳанаЛлоҳи ВалҳамдулиЛлаҳи ва Лаа илаҳа иллаллоҳу ВаЛлоҳу Акбар / Астағфируллаҳал азийми ва атубу илайҳ / Лаа хавла валаа қуввата илла биллаҳ / Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳааналлоҳил азийм ва б.*

2. **Теолингвистик дуолар:** Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳга муборак бўлсин. Аллоҳим паноҳида асрасин. Аллоҳга шараф бўлсин. Аллоҳим бандасини қўлласин. Жаннатга насибу рўзи айласин. Жаннат насиб этсин. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. **Аллоҳ солиҳ фарзандлар ато қилсин.** Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллалоҳу вассалламнинг руҳлари шод бўлсин. Аллоҳ паноҳига олсин. Аллоҳ асрасин. Аллоҳ, умримизга умр, рисқимизга рисқ берсин, насибу рўзи айласин **ва ҳ-зо.**

Билиш психологияси нуқтаи назаридан, янги илмий билимларни яратиш жараёнида "объективлик" аллақачон етарлича акс эттирилган шаклланиш сифатида тадқиқот мавзусини белгилашдан олдин бўлади. Бундай объективлик ижодий онгда дастлаб воқеликнинг ўзига хос ноаниқ интуитив тасвири сифатида намоён бўлади. Бу кундалик идрокдан тортиб энг нозик бадиий ва мистик шаклларгача бўлган ҳар қандай билим соҳаси учун хосдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Буркхардт Т. Сакральное искусство Востока и Запада: принципы и методы. / Пер. с англ. Н.П. Локман. –М., 1999.
2. . Гадамский А.К. *Стилистический подход к изучению религиозного языка [Текст]* / А.К. Гадамский // *Стил.* –№7. –Белград, 2008. –С. 21–36.
3. J.-P. van Noppen, D. Crystal, *The Cambridge Encyclopedia of Language*, 1981, 1987, 1995.
4. J.-P. van Noppen, D. Crystal, *Dictionary of Linguistics and Phonetics*, 2003.
5. Мечковская Нина Борисовна. *Язык и религия: лекции по философии и истории религий. Пособие для студентов гуманитарных вузов.* – М.: Агентство "ФАИР", 1998. – 352 с.
6. Ирина Владимировна Бугаева. *Теолингвистика: теология + лингвистика? Россия, Российский государственный аграрный университет – МСХА им. К. А. Тимирязева, Москва* file:///C:/Users/lenovo/Downloads/roz-27.pdf
7. Малинович Ю. М. *Парадигма бытия человека в рамках «Начало» -«Конец» в немецкоязычном сознании: Лебен унд Тод [Текст]* / Ю. М. Малинович, И. И. Мишуткина // *Антропологическая лингвистика: Вестник ИГЛУ. Сер. Антропологическая лингвистика / отв. ред. Ю. М. Малинович. - Иркутск : ИГЛУ, 2004. - № 7. - С. 59-66.*
8. Narzullaeva, D. B. (2023, January). *History of the translation of the quran into french. in international conferences (Vol. 1, No. 2, pp. 116-118).* <http://erus.uz/index.php/cf/article/view/1495>
9. Назаров В.Н. - *Введение в теологию: Учебное пособие.* М.: Гардарики, 2004.- 320 с. *Формат: djvu, pdf ISBN 5-8297-0193-6*
10. Доброхотов, А. Л. *Философия и христианство [Текст]* / А. Л. Доброхотов // *Христианство и философия: VIII Рождественские образовательные чтения : Сборник докладов конференции (27 января 2000 года).* - М. : Отдел религиозного образования и катехизации Русской Православной Церкви, 2000. - с. 5- 19.
11. Кумуихонавий, Аҳмад Зиёуддин. *Мажмуатул-Аҳзоб. Катта дуо ва зикр китоби. Самарқанд-Пойарик.* "Имом Бухорий халқаро маркази" нашр. 2020, ISBN: 973-9943-6163-0-1.
12. Dilfuza, N. (2022). *Developing the communication competence of french-speaking students through dialogues in the development of oral speech. Involta Scientific Journal, 1(10), 53-57.* <https://involta.uz/index.php/iv/article/view/332> Языкова
13. Нарзулаева, Д. Б. (2022). *Теолингвистическая лексема религиозного стиля. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 332-338.* <http://erus.uz/index.php/er/article/view/893/1194>
14. Narzullaeva, D. (2023). *Использование речевых жанров. центр научных публикаций (buxdu.uz), 29(29).*

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК КИНОФИЛЬМЛАРИ ТИЛИДА ЭГАЛИК ВА
КЕЛИШИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Ширинова Мехригӧй Шокировна,

Бухоро Давлат университети

Ўзбек тилишунослиги ва журналистика кафедраси

Ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

m.sh.shirinova@buxdu.uz

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик даврида суратга олинган айрим ўзбек кинофильмлари тилида учрайдиган эгалик ва келишик воситалари ортологик нуқтаи назардан таҳлил этилган. Таҳлилда эгалик ва келишик шакллариининг меъёрий ҳамда номеъёрий ҳолатлари кинофильмлар кесимида очиб берилган. Эгалик қўшимчалари орасида энг кўп меъёрий бузилиш II ва III шахс кўпликни билдирувчи шакллар доирасида; келишик шакллариининг номеъёрий ҳолатлар тушум, қаратқич келишикларини қўллашда кўпроқ; ўрин-пайт, чиқиши, жўналиши келишикларини қўллашда камроқ кузатилади деган хулосага келинди.

Калит сўзлар: кино тили, ортология, алоқа-муносабат воситалари, эгалик қўшимчаси, келишик воситалари, меъёрий шакллар, номеъёрий шакллар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИСУТСТВИТЕЛЬНЫХ И АГРЕГАТНЫХ СРЕДСТВ В ЯЗЫКЕ
УЗБЕКСКИХ ФИЛЬМОВ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ

Аннотация. В данной статье с ортологической точки зрения анализируются притяжательные и соглашательные средства, встречающиеся в языке некоторых узбекских фильмов, снятых в период независимости. В результате анализа выявлены нормативные и ненормативные случаи собственности и формы договора в разделе кинофильмов. Среди притяжательных суффиксов наиболее нормативное нарушение наблюдается в формах множественного числа II и III лица; из форм договора больше нерегулярных случаев в употреблении винительных, указательных соглашений; Сделан вывод, что это наблюдается реже при использовании договоров места-времени, выезда и выезда.

Ключевые слова: киноязык, ортология, средства общения, притяжательный суффикс, средства согласия, нормативные формы, ненормативные формы.

THE USE OF POSSESSIVE AND AGGREGATE DEVICES IN THE LANGUAGE OF
UZBEK FILMS OF THE INDEPENDENCE PERIOD

Abstract. In this article, the possessive and agreement devices found in the language of some Uzbek films shot during the period of independence are analyzed from an orthological point of view. In the analysis, normative and non-normative cases of ownership and agreement forms are revealed in the section of motion pictures. Among the possessive suffixes, the most normative violation is within the II and III person plural forms; from agreement forms, there are more irregular cases in the use of accusative, demonstrative agreements; it was concluded that it is observed less often when using place-time, exit, and departure agreements.

Keywords: film language, orthology, means of communication, possessive suffix, means of agreement, normative forms, non-normative forms.

Кириш. Ҳар қандай адабий тилнинг шаклланишида морфологик меъёрнинг ўрни катта. Шунингдек, тез ўзгарувчанлик хусусиятидан холи бўлган меъёр тури ҳам морфологик меъёрдир. Аслида грамматик меъёр таркибига кирувчи ушбу меъёр тури ҳақида турли илмий манбаларда тегишли фикрлар қайд этилган [1,2,3]. Одатда, морфологик меъёр деганда қўшимча қўллашдаги меъёрий ҳолат англашилади. Қўшимчаларнинг вазифасига кўра барча тури қўшимчалараро вариантдошлик, маънодошлик ҳақида, нутқда ушбу қўшимчаларни қўллашнинг меъёрлари ёхуд меъёрий бузилишлари хусусида фикр юритишга шароит яратди.

Тилшунос А.Ҳожиёв ўзининг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да морфологик меъёрга куйидагича таъриф беради: “Морфологик меъёр – сўз шаклларида ҳозирги адабий тили қонун-қоидаларига мос ҳолда фойдаланишни белгиловчи меъёр. Масалан, ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан *олади, ўрганади, ишлайдиган* шаклларида қўлланиши – меъёрий, аммо *олғуси, ўрганғуси, ўрганажак, ишляжак* тарзида ишлатилган-да, меъёр бузилади (улар архаик ва диалектал шакллари)” [6, 66-б.]. Таърифдан аниқлаш мумкинки, морфологик меъёрнинг мавжудлиги грамматик шаклларида турли хил вариантлари аралаш ҳолатда ишлатилишининг олдини олади, чалқашлик юз беришига йўл қўймайди. Шунингдек, оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрларининг мутаносиблигини таъминлайди.

Алоқа-муносабат воситалари ўзи қўшилиб келган сўзни маълум бир гап бўлаги вазифасида келишини таъминлайди ҳамда сўзга турлича бириктирилган имкониятларини беради. Гап бўлагини шакллантирувчи воситалар сифатида *кесимлик категорияси* (гап маркази – мутлақ ҳоким бўлак – кесимни шакллантирувчи тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон катерогиялари/шаклларида ўзаро бир бутунликка бириктириш, синтези), *келишик шакллари* (бош келишик – эга шакли, қаратқич келишиги – қаратқичли аниқловчи шакли, тушум – воситасиз тўлдирувчи, ўрин-пайт келишиги – ҳол шакли, жўналиш ва чиқиш келишиги – воситали тўлдирувчи/ҳол шакллари) чиқади. Сўзга янги бириктирилган қобилиятини берувчи шакллари сифатида *эғалик шакллари* қаралади.

Бу шаклларида бирортаси ҳам маълум семантик вазифадан холи эмас: юқорида санаб ўтилган синтактик вазифадан ташқари, албатта, маълум бир хабар/маълумот ҳам етказилади. Чунончи, кесимлик шакллари тасдиқ/инкор, замон, бажарувчи шахси, сони, эғалик шакллари қарашлилиқ, қаратувчининг шахси ва сони, келишик шаклларида жўналиш, ўрин, чиқиш келишиклар – макон-замон маънолари, бош, қаратқич, тушум келишиклар асос сўз атаб келатган нарсанинг аниқ/ноаниқлиги, ҳоким сўз билан контакт/дистант жойлашиши в.х. Лекин тилда бу шаклларида тизимли ўрни синтактик функциялари билан белгиланади. Семантик функция нисбатан осонлик билан нейтраллашади (Қиёс.: Гапиришга/гапиришдан кўрқма!)

Алоқа-муносабатни ифодаловчи воситаларда синтактик функциянинг нейтраллашиб, нол даражада сусайиши (уларнинг фақат семантик функцияни бажариши) келишик шаклларида ўрин келишигига хос. Чунончи: *Мен уйдаман*. Бу ҳодиса ўрин келишиги шаклининг релацион тизимда беҳад ўзига хос мавқе эгаллаши – моҳиятан равиш ясовчи восита эканлиги, гап таркибида ҳолдан бўлак вазифада келолмаслиги билан узвий боғланган. Қаратқич, тушум келишикларига бундай вазифа умуман хос эмас; жўналиш, чиқиш келишикларига шаклида эса жуда камдан-кам ҳолларда окказионаллик бўёқлари билан воқеланиши мумкин.

Кесимлик категорияси шакллари фақат кесим таркибидагина келиши сабабли уларда синтактик функциянинг тўлиқ нейтраллашиши ҳақида гапириш ўта мунозарали.

Асосий қисм. Мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилида алоқа-муносабат воситаларининг қўлланиши турли-туман бўлиб, морфологик меъёрга асосланган ёки, аксинча, четлашилган ўринлар мавжуд. Маълумки, ўзбек тилида эғалик категорияси -(и)м, -(и)миз, -(и)нг, -(и)си каби кўрсаткичлар билан ифодаланади. Шунингдек, эғалик қўшимчалари сирасида турувчи “-лар шахс ҳақида эмас, балки эғалик қилинаётган нарса/предмет ҳақида маълумот ташигани учун, шу нарсанинг кўплигига ишора қилганлиги туфайли уни бу категория билан боғлаб бўлмайди” [4, 344-б.]. Ўзбек кинофильмлари тилида эғалик қўшимчаларининг қуйидаги номеъёрий кўринишлари учрайди:

- 1) **-з** шакли. – *Ўзизни-чи?* (“Фарзандим 2”, [00:20:57]); *Ҳовлизни, ўзизни ўйлабсиз-у тугдирган ота, сун берган она, бирга катта бўлаётган укани ўйламадийизми?* (“Фарзандим 2”, [00:42:58]).
- 2) **-из** шакли. – *Ҳа демай дадажониз чойхонадан қайтадила* (“Онам билмасин”, [00:09:00]).
- 3) **-уз** шакли. – *Кўёғуз мандан 50 \$ қарз эди* (“Нортой”, [01:02:50]).
- 4) **-ийиз** шакли. *Азизахон, боринг дадайизга эйтинг* (“Онам билмасин”, [00:00:52]).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кино тилида энг кўп меъёрий бузилишлар II шахс кўпликни ифодаловчи эғалик қўшимчалари доирасида кузатилади. Асосан, I шахс бирлик-кўплик, II шахс бирлик ҳамда III шахс бирликни ифодалайдиган эғалик қўшимчалари, баъзи ўринларда эса II шахс кўпликни ифодаловчи эғалик қўшимчаси меъёрда ишлатилган. Буни биргина “Фарзандим 2” фильмидан олинган мисоллар ҳам тасдиқлайди:

I шахс бирлик: *фарзандим, бувим, истагим, асалим, новвотим, тугмаганим, асраб олганим.*

I шахс кўплик: *қариндошларимиз, болаларимиз.*

II шахс бирлик: *тилинг, онагинанг, уйинг, омадингни.*

II шахс кўплик: *тарбияйиз, кўзиз, ҳовлииз, ўзизни, ўзингиз.*